

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СААТОВА ЛОЛАХОН ЭРГАШЕВНА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
САМАРАЛИ БОШҚАРИШ
(«Ўзбектелеком» АК мисолида)

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on economic sciences**

Саатова Лолахон Эргашевна

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация
технологияларини самарали бошқариш 3

Саатова Лолахон Эргашевна

Эффективное управление информационно-коммуникационными
технологиями в инновационном развитии экономики 25

Saatova Lolakhon Ergashevna

Effective management of information and communication technologies in
innovative development of the economy 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СААТОВА ЛОЛАХОН ЭРГАШЕВНА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
САМАРАЛИ БОШҚАРИШ
(«Ўзбектелеком» АК мисолида)

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt 432 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус,инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилида жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Махкамов Бахтиёр Шухратович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 3/10.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tseu@tseu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Ж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нинг жадал ривожланиши таъсирида инновацион тизимда ишлайдиган компьютерлар, мобил телефонлар ва интернет технологияларининг пайдо бўлиши иқтисодиётни тубдан ўзгаришига олиб келди. Натижада, ҳозирги кунда иқтисодиёт ва унга асосланган бошқарув усулларининг амалиётда кенг қўлланилиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланди. «Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилда 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 5,5 фоизни ташкил этди»¹.

Жаҳонда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар, илмий-техник тадқиқотлар, йирик трансмиллий компанияларида истеъмолчилар эҳтиёжларининг мунтазам равишда ўзгарувчанлиги билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар шунингдек, ахборот алмашинувининг эркинлашуви таъсирида ўсиб бораётган контентнинг роли ҳамда рақамли жамиятни барпо этишнинг бошқа йўналишлари иқтисодиётнинг реал тармоқларида менежмент фаолиятини такомиллаштиришнинг кенг қамровли имкониятларини яратмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, «анъанавий менежмент усуллари бугунги кунда ўзгариб бораётган бозор талабларига етарлича жавоб бера олмаяпти»². Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги жаҳон мамлакатлари ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион менежмент усулларини жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида иқтисодиёт инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда»³, – деб таъкидланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»⁴ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз иқтисодиётни реал тармоқларининг инновацион ривожланишида ахборот-

¹ Measuring the Information Society Report Volume 1. 2018. ITUPublications. Statistical reports. International Telecommunication Union. Place des Nations. CH-1211 Geneva Switzerland.

² OECD Information Technology Outlook, 2015.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

коммуникация технологияларини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонлари, 2017 йил 29 августдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3245-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришнинг назарий ва амалий аспекти кўплаб хорижлик олимлар жумладан, П.Ф.Друкер, Б.Твисс, Й.Шумпетер, И.Перлаки, Н.Мончев, В.Д.Хартман, Р.Фостр, Webster Frank, A.Dinis, Y.Hsu, К.Оппенлендер, Б.Санто кабилар томонидан ўрганилган⁵.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан: П.Н.Завлин, Л.П.Гончаренко, С.В.Валдайцев, Л.М.Гохберг, А.К.Казанцев, Б.З.Мильнер, Ю.В.Яковецларнинг илмий ишларида ўрганилган.⁶

Ўзбекистонлик олимлардан ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллашнинг назарий ва амалий муаммолари Б.Б.Абдуллаев, И.Абдураимов, С.С.Ғуломов, Б.Б.Беркинов, А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, М.А.Маҳкамова, Н.Х.Жумаев, Т.З.Тешабаев, Ш.А.Турсунов, Б.Ш.Маҳкамов, Ш.И.Мустафакулов, Н.Қ.Йўлдошев, Ш.А.Мирсаидова,

⁵ Друкер П. Новый бизнес.- М.: Экономика, 1993, с., Твисс Б.Управление научно-техническими нововведениями. — М. Экономика, 1989. — 217 с. [с.262], Шумпетер Й. Теория экономического развития. — М., Прогресс, 1982. —455с., Перлаки И., Мончев Н., Хартман В.Д., Фостр Р. Организационные основы инноваций в инфраструктуре АПК., Webster Frank Theories of the Information Society. — London: Routledge, 2002. — P. 15., Dinis A. (2006, January 1) Marketing and Innovation: Useful Tools for Competitiveness in Rural and Peripheral Areas. European Planning Studies (14); .Hsu Y, (2011),Design innovation and marketing strategy in successful product competition. Journal of Business & Industrial Marketing, 4.; Оппенлендер К.Технический прогресс: воздействие, оценки, результаты: Сокр.пер.снем., -М. :Экономика,175с., 1981г., Санто Б. Сила инновационного саморазвития, / Инновация №2,2014.

⁶ Завлин П.Н Инновация в рыночной экономике // Гуманитарные науки 1997 №3. С. 3-10; Гончаренко Л. П. Артунов Ю.А, Инновации.Управление инновационным бизнесом— М.: ЮНИТИ, 2001., Гохберг Л.М. Экономика знаний инновационная политика – М.: КНОРУС, 2009.-352.; Валдайцев С. В. Экономика знаний в терминах статистики: наука, технологии, инновации, информационное общество. М.:Экономика, 2012., Казанцев А.К. Информационные технологии в управлении, производстве, жизнедеятельности -Тюмень.: Ист Консалтинг, 2010г., Мильнер Б.З.Катяло В.С.Орлова Т.М. доктора экон. наук, профессора и др.; Управление знаниями в инновационной экономике: учебник по специальности «Менеджмент организации» – Москва: Экономика, 2009. — 598.[1] с. ISBN 978-5-282-02982-6., Ю.В.Яковец Глобальные экономические трансформации XXI века – М.: Экономика, 2011. — 382 с.

Й.Д.Голдман, Ш.Н.Зайнутдинов, Х.Т.Мухитдинов, У.В.Гофуров, Р.И.Нуриббетов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁷.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-091 «Миллий иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ахборот-коммуникация технологиялари усуллари ва шакллари давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодийнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодийнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришни илмий ва назарий жиҳатдан асослаш;

иқтисодийнинг реал тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришнинг халқаро тажрибаларини тадқиқ этиш;

иқтисодийнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришнинг замонавий ҳолатини баҳолаш;

ахборот-коммуникация технологияларининг инновацион ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

иқтисодийнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқариш тизимининг иқтисодий-математик моделини ишлаб чиқиш;

⁷ Абдуллаев Б.Б., Абдураимов И., Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш // Бозор, пул ва кредит. № 9, 2005 й., Ғуломов С.С. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Тошкент: Шарк, 2000. 582-б.; Беркинов Б.Б. Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш омиллари ва интеллектуал ресурслари, Тошкент, 2018. 9 октябрь, Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 15-18 бетлар.; Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари Монография -Т.: «Фан ва технология», 2005., Иминов Т.К. Обновление основных фондов промышленности Узбекистана. Ташкент: Фан, - 128с.1984г., Кадыров А.М.и др. Формирование информационного общества в Узбекистане: зарубежный опыт, тенденции и перспективы, - Ташкент: «Iqtisodiyot»-2015., Махкамова М.А. Развитие и управление инновационной деятельностью предприятий.- Т.: ALOQACHI НММ, 2006г., Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодийни ривожлантириш мамлакатга нима беради?// finance.uz, 2020, 31 январь, <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6699>, Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш, Автореферат-Т.: ТДИУ. 2019. 88-б.; Турсунов Ш.А. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини самарали бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.// Монография – Тошкент: «TAMADDUN» нашриёти, 2016.–227-б., Махкамов Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодийни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш, Автореферат-С.: СИСИ. 2016. 88-б.; Мустафакулов Ш. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили // Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 2016, 3-сон, апрель, 5-16-бетлар., Йўлдошев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. 2011. 286-б.; Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // Иқтисодий ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, 2011, 1-сон, сентябрь; Мухитдинов Х.Т. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодий ва молия, 2012, 2-сон, 2-6-бетлар.; Гофуров У.В. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш// Иқтисодий ва молия, 2012, 2-сон, 17-23-бетлар, Нуриббетов Р.И., Саатова Л.Э. Иқтисодийни инновацион ривожланишида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари – самарали бошқарув воситаси Қарши, 2020, 27 март, Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 283-287-бетлар.

иктисодиётнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иктисодиётнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришнинг истиқболли йўналишларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар, жумладан, «Ўзбектелеком» АК фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини иктисодиёт инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқариш жараёни билан боғлиқ бўлган иктисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув, статистик, иктисодий, молиявий ва қиёсий таҳлил, SWOT – таҳлили, регрессион таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инновация фаолиятига ички ва ташқи омил натижаларининг таъсирини олдиндан аниқлаш орқали соҳа бошқарувининг самарадорлигини ошириш асосланган;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион индекснинг мақбуллиги ва мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланиб, бошқарув жараёнларини самарали ташкил этиш жиҳатидан такомиллаштирилган;

компания ривожланиш стратегияси таркибида инновацион маданият ва салоҳиятни ифодаловчи таркибий қисмларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида «Ўзбектелеком» АК нинг инновацион ривожланиш стратегиясини танлаш ва амалга ошириш модели таклиф этилган;

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари тизимини такомиллаштиришнинг иктисодий-математик модели асосида 2023 йилга қадар интернет хизматларини ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иктисодиётни инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этиш имконини берувчи менежмент стратегияларидан фойдаланиш йўллари аниқланган;

иктисодиётни инновацион ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини баҳолаш мезонлари ва инновацион индекс кўрсаткичларини амалиётга жорий этиш таклиф этилган;

миллий иктисодиётни инновацион ривожланиши шароитида «Ўзбектелеком» АК да ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иктисодиётни инновацион ривожланиши шароитида иктисодиётда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни бошқариш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси маълумотларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий ва назарий асослар ахборот-коммуникация хизматлари бозорида фаолият юритувчи миллий компанияларнинг инновацион фаолиятини бошқариш механизмларини янада такомиллаштиришга доир ёндашувларни ишлаб чиқишда, иктисодиётнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришнинг концептуал асосларини такомиллаштиришда, соҳанинг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иктисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион фаолиятни янада ривожлантириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, иктисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Инновацион менежмент», «Иктисодиётда ахборот тизимлари», «Тармоқ менежменти» сингари фанлардан ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс-стадилар, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иктисодиётни инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инновацион фаолиятга ички ва ташқи омил натижаларининг таъсирини олдиндан аниқлаш орқали соҳа бошқарувининг самарадорлигини ошириш, компаниянинг истеъмолчилар билан самарали коммуникация ўрнатиш тизимини инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича таклиф «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 30 декабрдаги 27-03-08/5797-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши компания хизматларидан фойдаланувчилар билан самарали коммуникация ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш имконини бериб, натижада, компания хизматларидан фойдаланувчилар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 5 фоизга ошган;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион индекснинг мақбуллиги ва мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи, инновацион фаолиятни

бошқаришнинг услубий асосларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳоловчи интеграл кўрсаткич ва индикаторларнинг такомиллаштирилган тизими Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази «UNICON.UZ» ДУК томонидан амалиётга жорий этилган (Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази «UNICON.UZ» ДУКнинг 2019 йил 20 февралдаги 1-1/303-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида корхона инновацион фаолиятининг маҳсулдорлиги, юқори технологиялар, тадқиқотчилар улуши, патент фаолияти каби кўрсаткичларнинг салмоғи ошган;

корхонанинг инновацион ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш, стратегия ишлаб чиқиш ва стратегия самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган иқтисодий инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқариш стратегиясини танлаш модели «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 30 декабрдаги 27-03-08/5797-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан компания хизматларидан фойдаланувчилар сонини 1,6 баробарга, хизмат кўрсатиш ҳажмини 4 фоизга оширишга эришилган;

ахборот-коммуникация технологиялари тизимини такомиллаштиришнинг иқтисодий-математик модели асосида ишлаб чиқилган 2023 йилга қадар интернет хизматларини ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари, интернет тармоғига уланиш нархи ва маълумотларни узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 30 декабрдаги 27-03-08/5797-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида компаниянинг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, жумладан, интернет хизматларини ривожлантириш кўрсаткичларини аниқлаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 9 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 12 та маъруза тезислари халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари, иқтисодий инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари, ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий жорий этишнинг илғор хорижий тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари ёритилган.

Маълумки, инновациялар, асосан, иқтисодий модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини узлуксиз янгилаш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлашга йўналтирилади. Инновацион йўналишга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг эволюцион натижаси бўлиб, унинг моҳиятини фундаментал фанлар, янги илмий ишланмалар, назарий ва амалий кашфиётлар, бошқарувнинг янгича усуллари ташкил этади. Бунда асосий эътибор иқтисодий фаолиятдан кутилаётган мақсад, унга эришиш йўллари, бу йўналишда рақобат муҳитининг мавқеи ва таъсирига қаратилмоғи лозим.

Тадқиқотда таъкидланишича, инновация назарияси немис иқтисодчи олимлари В.Зомбарт ва В.Митчерлих асарларида мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асоси сифатида тадқиқ этилган. Уларнинг фикрича, ривожланиш тизимида асосий бўғин «техника тараққиёти» омили ҳисобланади, бунда техника янгиликларини ишлаб чиқариш ва ёйиш ҳисобига катта фойда олиш, корхоналарнинг бозордаги мавқеини кучайтириш мумкин. Бундан ташқари, улар корхоналар эришилган натижада тўхтаб қолмасдан, янги билим ёки ишлаб чиқариш масаласини ҳал этишнинг янги техник қоидаларини яратиш, янги маҳсулотлар ёки хизматлар турини таклиф этиш билан бирга, барча масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлигини ҳам таъкидлайдилар.

Олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича, Б.Твист, Х.Фрименлар ҳам тараққиётнинг турли босқичларида инновацияларнинг ўрни ва вазифаларини тадқиқ этишни деярли шу йўналишда олиб борганлар. Улар техника тараққиётини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини асослаб беришга алоҳида эътибор қаратган. 1970-1980 йилларда инновацион фаолият, унинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари Й.Менш, Д.Менсфильд, С.Кузнец, Я.Вадейм, А.Кляйнкцехт, Э.Мойварт ва бошқа иқтисодчилар томонидан тадқиқ этилди.

Илмий ишда келтирилган фикрларга асосланиб ва уларни умумлаштириб, ўз моҳияти нуқтаи назаридан, инновация – бу назария ва амалиётнинг алоҳида шакли, ижтимоий, иқтисодий, маданий объект хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракатларнинг яхлит тизимидир, деб таъкидланади.

«Янгилик киритиш», «янгилик» тушунчаларини кўпчилик бир-бири билан узвий боғланган ва бир хил маънони англатади деб қарайдилар. У инновациянинг турли кўринишлари бўлиб, ўхшаш маъноларда, яъни янги маҳсулот, жараёнлар, хизматлар ва уларни амалга ошириш жараёнларида қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Баъзи ҳолларда бу тушунчалар синоним сифатида қўлланилади, бироқ улар ўртасида муайян фарқ мавжуд ва уларни аниқлаш техник тараққиёт йўналишлари ва шакллари тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлайди. Бу тушунчаларни бир-биридан ажратишда уларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олишини, ривожланишнинг турли жараёнларида уларнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратиш тақозо этилади. Ҳар бири эса инновацион фаолиятнинг муайян элементини ифодалайди, турли фазаларда мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди, ўсиш омилларига (меҳнат, табиий ресурслар, молиявий имкониятлар) ижобий таъсир кўрсатади.


Муаллифнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновация фаолиятининг исталган босқичида ихтиролар яратилиши ёки янги илмий ғоялар ва фаолиятнинг муайян йўналишидан четга чиқувчи техник қарорлар ишлаб чиқилиши мумкин бўлса-да, илмий тадқиқотлар натижаларини биз ҳеч қачон техник ишланмаларга қийсламаймиз. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш лозимки, илмий ғоялар ва ихтиролар кўпинча ўз даврининг эҳтиёжларидан олдинда юради ва уларни шакллантиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновация фаолиятига таъсир этувчи омиллар таснифи 1-расмда келтирилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновация фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг бундай тавсифланиши иқтисодиётда илмий-техникавий салоҳиятдан тўғри фойдаланиш, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ноёб техник ишланмалар натижаларини амалиётга кенг ёйишда муҳимлиги билан бир қаторда, инновация фаолиятини жадаллаштиришда ички ва ташқи таъсир натижаларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, «ишлаб чиқариш омиллари» босқичидан «инвестиция» ва «инновация» босқичигача бўлган давр оралиғида илмий-техникавий имкониятлар даражасини белгилаш, мавжуд муаммоларнинг олдини олиш, уларни ҳал этиш ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини белгилайди.

Муаллифнинг фикрича, ахборот-коммуникациялар индустриясининг шаклланиши, иқтисодиётнинг ахборотлашган иқтисодиётга айланиши, аввало, ахборотларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш воситалари ва коммуникация алоқаларининг такомиллашуви, ахборот техникаси ва технологияларининг тараққий этиб бориши, саноатнинг мос соҳалари ривожланиши билан изоҳланади. Саноатнинг ушбу тармоқлари ахборот-коммуникация технологиялари индустрияси таркибига кириб борапти.



1- расм. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновация фаолиятига таъсир этувчи омиллар таснифи⁸

Ушбу таркибга маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш воситаларини ишлаб чиқаришдан ташқари, маълумотларни электрон усулда қайта ишлаш, махсус дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш ва коммуникация техникаларига хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам киради. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, зарур ахборотни излаб топиш анчагина мушкул масала бўлиб, мутахассислар ўз иш вақтининг деярли 50 фоизини шунга сарфлайди, излаб топган ахборотнинг фақатгина 10-20 фоизини ўзлаштиришади холос.

Диссертацияда ахборот-коммуникация технологиялари бозори - бу техник воситалар, коммуникациялар ва дастурий маҳсулотларни таклиф этувчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган маҳсулот ва пул айланиши муносабатларининг иқтисодий тизимидир, деб таъкидланади. Ушбу муносабатлар бозорда таклиф этиладиган маҳсулотлар сони, сифати, номенклатураси,

⁸ Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

нархи ва талаб даражасини ўзаро солиштириш натижасида вужудга келади. Албатта, у истеъмолчининг тўлов қобилиятига ҳам боғлиқ. Талаб даражасига демографик, ҳудудий ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларнинг биржа, маркетинг, молиявий, иқтисодий ва бошқа турдаги ахборот маҳсулотларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди.

Олиб борилган ўрганишларга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ривожланиб бориш тенденцияларини тадқиқ қилишда бизнинг бозорга хос бўлган қуйидаги омилларни келтириш мумкин:

ахборот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қидириш бўйича техник ва дастурий воситалар такомиллашиб бориши билан, фактографик ва матнли маълумотлар базасининг улуши ортиб боради;

маълумотлар базалари ҳажми ва сонининг узлуксиз ўсиб бориши туфайли истеъмолчилар янги категориядаги ахборотлар билан таъминланади ва уларга анча кенг бўлган хизмат турлари таклиф этилади;

телекоммуникациялар имкониятининг кенгайиши ахборот бирлигини узатиш нархининг пасайишига олиб келади. График турдаги тасвирларни рақамли тармоқлар орқали узатиш имконияти пайдо бўлади;

истеъмолчилар компьютер саводхонлигининг ортиб бориши интерактив хизматлардан фойдаланувчилар сонининг ўсишига олиб келади;

ахборот маҳсулотлари ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимларидаги техник ва дастурий воситалар нархининг пасайиб бориши ахборотларни интерактив усулда излаш нархининг пасайишига сабаб бўлади;

электрон ахборотлар бозори хусусиятларининг ўзгариб бориши қайта ёзилиши мумкин бўлган маълумот ташувчиларнинг кенг тарқалишини юзага келтиради.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришнинг замонавий ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденциялари, «Ўзбектелеком» АК да ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқариш кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини самарали бошқаришнинг илғор хорижий тажрибалари таҳлили тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан таракқий этиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида мазкур соҳанинг илғор ютуқларини барча тармоқ ва жабҳаларга кенг жорий этиш мамлакатимизнинг келгуси равнақида муҳим омил ҳисобланади. Зеро, ахборот технологиялари бозорининг зарур таркибий қисми бўлган дастурий маҳсулотлар индустрияси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини оширишда, рақобатда устуворликка эришишда, валюта тушумларининг кўпайишида, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда ўзига хос ўрин тутаяди. Дастурий маҳсулотларни қисман ёки тўлиқ ишлаб чиқиш, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, экспорт қилишни кенг жорий этган хориж тажрибалари, хусусан, Корея, Ҳиндистон, АҚШ ва Хитой

мамлакатлари мисолида олиб қарасак, шундан далолат берадики, дастурий махсулотлар индустриясини ривожлантириш ҳар бир соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этишга, аҳолининг иш билан бандлигини оширишга, интеллектуал мулкни шакллантириш ва ривожлантиришга, давлат экспорт салоҳиятини кучайтиришга, инвестициялар жалб этишга, натижада эса, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига олиб келади. Корея, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатларнинг бой тажрибасини ўрганган ҳолда бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ахборот технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари⁹

№	Хизматлар номи	Йиллар						Фарқи (+;-)
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Интернетдан фойдаланувчилар сони (млн).	6,07	4,9	10,2	12,1	14,7	20	+13,93
2.	Халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти(Гбит/с)	7	10	16,07	25,7	64,2	1200	+1193
3.	Интернет тармоғига уланиш нархи(\$)	422,27	312,58	259,29	157,6	91,5	10,11	-412,16
4.	Мобиль абонентлар сони (млн).	20,3	19,6	20,1	20,6	21,4	22,8	2,5
5.	Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси (%)	42	45	54,4	68,6	95	100	58

Юқоридаги 1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари 2013-2018 йиллар бўйича келтирилган бўлиб, унда Интернетдан фойдаланувчилар сони, халқаро маълумотларни узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти, мобиль абонентлар сони, аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилган. Жадвалдаги таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, барча янги хизмат турларидан олинган даромадлар сезиларли даражада ошган, айниқса, IP-TV интерактив рақамли телевидения ва интернетга кенг полосали уланиш хизматларига 2013-2018 йиллар мобайнида талаб ошиб борган. Бу эса, ўз навбатида, янги хизматларга бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатади ва унинг хизматлар бозоридаги мавқеини белгилайди.

Илмий ишда «Ўзбектелеком» АК нинг молиявий натижалари тўғрисидаги таҳлилий ишлар амалга оширилган. Бунда, молиявий натижаларга асосланиб, компаниянинг соф тушуми, ялпи фойдаси, даврий харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, асосий фаолиятнинг фойдаси, молиявий фаолият даромадлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси, соф фойда кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

**«Ўзбектелеком» АК нинг молиявий натижалари тўғрисида маълумот
(млн сўм)¹⁰**

№	Кўрсаткичлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарқи (+;-)
1.	Соф тушум	806875,1	797353,7	918791,9	1451489,9	2095258,9	+1288383,8
2.	Ялпи фойда	342461,6	321868,4	363922,3	512166,4	1153913,4	+811451,8
3.	Даврий харажатлар	303593,8	253342,3	287703,9	447647,4	668231,5	+364637,7
4.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	15990,0	68668,8	41603,8	84140,1	61166,0	+45176,0
5.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	54857,9	137194,8	117822,2	148659,1	546848,0	+491990,1
6.	Молиявий фаолият даромадлари	52777,5	16072,3	14320,5	241448,2	93894,5	+41117,0
7.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	57241,2	113890,1	101952,3	323572,4	467764,9	+410523,7
8.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	50394,2	39377,1	30190,4	66534,8	172977,6	+122583,4
9.	Соф фойда	39691,6	32625,5	26522,0	65229,8	140487,9	+100796,3

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари бозорининг кенгайиши, янги хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажмини ошириш, Ўзбекистон бозорига хорижий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг кириб келиши, ўз навбатида, ички бозорда рақобатчилик ҳолатини юзага келтиради. Натижада, соҳада фаолият олиб бораётган корхоналар учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустақкам бозор сегментига эга бўлишда инновация фаолиятини такомиллаштириш зарурати келиб чиқади.

Муаллифнинг фикрича, инновацияга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг босқичли натижаси бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини фан-техника тараққиёти, изланиш ва ривожланиш, ишлаб чиқариш, унумдорлик, янги илмий изланишлар, назарий ва амалий кашфиётлар, патент фаолияти ташкил этади. Бу эса барча давлатларнинг инновацион индекси қанчалик даражада юқори ёки пастлигини кўрсатиб беради. Илмий ишда инновацион индекснинг қуйидаги 7 та кўрсаткичи аниқланди.

Булар: изланиш ва ривожланиш кўрсаткичи, ишлаб чиқариш кўрсаткичи, маҳсулдорлик кўрсаткичи, юқори технологиялар кўрсаткичи, таълим хизматлари самарадорлиги кўрсаткичи, тадқиқотчилар улуши кўрсаткичи, патент фаолияти кўрсаткичларидир.

¹⁰ «Ўзбектелеком» АК нинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Илмий ишда олиб борилган SWOT таҳлили усули натижасида компания томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг кучли ва ожиз томонлари, шунингдек, ушбу хизматларга мувофиқ ташқи муҳит учун имкониятлар ва таҳдидлар аниқланди.

Мавжуд таҳлиллардан шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда телекоммуникация тармоғида универсал хизматлар кўрсатиш бўйича «Ўзбектелеком» АК монополист ҳисобланади, қўшимча хизмат турлари бўйича эса кучли рақобатчиларга эга. Шу нуқтаи назардан, «Ўзбектелеком» АК нинг мавжуд имкониятлари ва ожиз томонларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳозирги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида телекоммуникация хизматлари бозорининг кенгайиши, янги инновацион хизмат турларининг жорий этилиши, мавжуд хизмат турларининг ҳажми ва сифатини ошириш, мамлакатимиз телекоммуникация бозорига хорижий ривожланган корхоналарнинг кириб келиши, айрим хизмат турлари бўйича ички бозорда рақобатчилик муҳитининг юзага келиши, ўз навбатида, соҳадаги телекоммуникация корхоналари учун кўрсатилаётган хизматларни бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда мустаҳкам ва ишончли бозор сегментларига эга бўлишда самарали бошқарув тизими фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ишда «Ўзбектелеком» АК бошқарув фаолиятининг келтирилган кучли (Strengths) томонларини янада кучайтириш, ожиз томонлари (Weaknesses)ни камайтириш, мавжуд имкониятлар (Opportunities)дан тўғри фойдаланиш ва хавфларга (Threats) қарши туриш борасидаги қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Кучли (Strengths) томонларини янада кучайтириш бўйича:

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш тўғрисида дастурнинг қабул қилинганлиги, яъни бу дастур ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган «Рақамли Ўзбекистон -2030» дастурини тўла-тўқис амалга ошириш;

акциядорлик компаниясининг амалда давлат ва соҳа раҳбариятлари томонидан қўллаб-қувватланишидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

республика бўйича ягона алоқа соҳасининг «Миллий оператор» мақомига эга эканлиги имкониятидан самарали фойдалана олиши;

мавжуд юқори малакали ишчи кучи ва ходимлар салоҳиятидан тўғри фойдалана олиши;

Мавжуд ожиз томонлари (Weaknesses) таъсирини камайтириш борасида:

реклама ва маркетинг сиёсатини тўғри йўлга қўйиш орқали қўшимча хизмат турларидан қандай фойдаланишни мижозларга реклама қилишнинг ва хизмат турлари ҳақида маълумот бериб боришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш;

амалда инфратузилма харажатларининг нисбатан юқорилигини бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашга эришиш;

компания муваффақиятларидан аксарият ходимлар моддий манфаатдорлигининг пастлигига чек қўйиш мақсадида креатив-инноватор ходимларни қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш орқали уларнинг бажарган ишлари бўйича самарали рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

компанияда мижозлар билан ишловчи ходимларнинг малака ва кўникмаларини доимий ошириб бориш механизмини жорий этиш ва улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш;

компанияда инновацион бошқаришнинг «Мақсадли бошқариш» ва «Тежамкор ишлаб чиқариш» усулларидан самарали фойдаланган ҳолда инвестиция тўлов шартлари мажбуриятларини ўз вақтида бартараф этишни амалга ошириш.

Имкониятлар (Opportunities)дан кенг ва самарали фойдаланиш борасида:

рақамли иқтисодий ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган туб ислохотлар берадиган имкониятлардан амалда тўғри ва самарали фойдаланиш;

ахборот хизматларини кўрсатиш бозорида стратегик маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали нафақат ички бозорда, балки қўшни республикалар бозорида ҳам хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш;

соҳага ўзаро манфаатли бўлган инвестицияларни жалб этиш орқали юқори сифатли хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш;

давлат томонидан соҳага замонавий инновацион технологик жараёнларни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш механизми имкониятларидан кенг фойдаланиш;

соҳа бўйича етакчи давлатлар компанияларида компания ходимларининг, хусусан, раҳбар ходимларининг билим ва малакаларини ошириш тизими самарадорлигини таъминлаш;

мобиль операторлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишлари самарадорлигини ошириш ҳисобига соҳада «синергетик» самарани таъминлаш.

Хавфларни (Threats) бартараф этиш ёки улар таъсирини камайтириш борасида:

халқаро даражада замонавий мобиль алоқа ва мобиль интернет хизматлари бўйича рақобатнинг кучайиб бориш тенденцияларини эътиборга олган ҳолда хизматлар кўрсатиш харажатини пасайтириш;

хизматлар кўрсатиш сифатини доимий ошириб бориш мақсадида инвестицияларни самарали жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш;

соҳада коронавирус пандемияси оқибатида инфляциянинг кучайиши ва валюта алмашинуви курсларида келиб чиқадиган рискларни пасайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

кескин рақобатчиликнинг кучайиши шароитида соҳада малакали маркетингларни тайёрлаш ҳамда уларнинг билим ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизимини жорий этиш, амалда маркетингларни «очиклик» ва «шаффофлик» тамойиллари асосида ишга қабул этиш механизмларини йўлга қўйиш.

